

9-10-2020

ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ ПРЕДМЕТИДА ПЕДАГОГИКА ТАРИХИНИ ТАСАВВУФ БИЛАН БОГЛИКДИГИ

Икром Абдушукурович Чориев

Узбекистан Республикаси ОУМТ вазирлиги хузуридаги Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси, Республика маънавият-маърифат маркази тадқиқотчиси

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Чориев, Икром Абдушукурович (2020) "ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ ПРЕДМЕТИДА ПЕДАГОГИКА ТАРИХИНИ ТАСАВВУФ БИЛАН БОГЛИКДИГИ," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 67.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/67>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ ПРЕДМЕТИДА ПЕДАГОГИКА ТАРИХИНИ ТАСАВВУФ БИЛАН БОГЛИКДИГИ

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2020 йил 9 сон

ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ПРЕДМЕТИДА ПЕДАГОГИКА ТАРИХИНИ ТАСАВВУФ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Чориев Икром Абдушукурович
Ўзбекистон Республикаси ОўМТ вазирлиги
хузуридаги Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси,
Республика маънавият-маърифат маркази
тадқиқотчиси
тел:+99890 139-40-32
E-mail:choriyev_ia@mail.ru

Мақолада : таълим – тарбия предметида педагогика тарихини тасаввуф билан боғлиқлиги, қонуниятлари, принципи, методлари асосланган.

В статье : закономерности, принципи, взаимосвяз история педагогики с исламской учений на предмети воспитания и обучения.

In the article : the history of pedagogy is connected with mysticism in the subject of education.

Калит сўзлар : педагогика, таълим – тарбия, тасаввуф, дин, Қуръони Карим, инсонпарварлик, комил инсон.

Ключевые слова : педагогика, воспитания, мистика, Қуръони Карим, религия, гуманизм, идеальный человек.

The key word : pedagogy, education, mysticism, Qur’oni Karim, religion, humanism, perfect man.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 – йил 20 - сентябрь жаҳон минбарида ЮНЕСКОнинг 72 – сессиясидаги нутқида ислом дини халқимизнинг миллий, муқаддас қадрияти эканлигини, инсонпарварлик эзгуликка йўлловчи қудратли восита бўлиб келгани, ҳадис илми Ўзбекистонда ривожлангани, умуминсоний қадриятларга айлангани исломшуносликка жохил қарашларга жавоби тарихий воқеа бўлди. ЮНЕСКО раҳбарлари, ислом мамлакатлари Президентлари бу жасоратни хушладилар.

Бу методологик таълимот таълим – тарбия маънавият предметида доир тадқиқотларни тасаввуф билан боғлиқлиги бўйича, инновацион ёндашувга йўл очиб берди. Шунингдек, таълим – тарбия предметида педагогика тасаввуф таълимоти билан тарихан ва мантиқан боғлиқлиги комил инсонни шакллантириш барча динлар, жумладан, исломнинг назарий асоси тасаввуфда жорий қилинган маънавий, руҳий тажрибалар, энг аввало диққатни инсонга қаратган, инсонни ўзини илоҳий моҳиятини билишга, мушоҳада этишга илҳомлантиради. Шунинг учун ҳам башарият ислом тасаввуфига қизиқиши, ўзгача эҳтиром билан орта бошлади. Тасаввуф инсоннинг басират кўзини Руҳ ва Кўнгил оламига қаратади. Нафсни таниш ва енгиш орқали гўзал ахлоққа эришиш тажрибасини ўргатади. Руҳоният тарбияси учун узлуксиз ғамхўрлик қилиш усуллари кўрсатади.

Муҳаммад Пайғамбар таълимотининг мусулмон маданияти, адабиёти илм-фаннинг тадқиқот объектига айланишининг бош сабабларидан бири ҳам шунда. Расулulloҳ учун диннинг камоли, энг аввало, ахлоқнинг камоли эди. Бир зот

Расулуллоҳнинг ёнига келиб: “Эй Оллоҳнинг Расули! Дин нимадир” – дея сўраганда, пайгамбар: “Дин гўзал ахлоқдир”, - деб жавоб берибди. Ўша одам пайгамбарнинг ўнг томонига ўтиб, яна Расули Оллоҳ! Дин нимадир деб сўрабди. Пайгамбар эса: “Дин гўзал ахлоқдир”, - дебди. Сўнг ҳалиги кимса пайгамбарнинг орқасига ўтиб “Эй Оллоҳнинг Расули! Дин недур” деган экан, пайгамбар: Англамасмисан, дин газабланмасликдир”¹, - деган экан.

Демак, комил инсон моҳияти, фазилати уни шакллантириш омиллари тараққиёти масаласида педагогика тарихи ва тасаввуф таълимоти узвий боғлиқ ривожланган. Комил инсонни шакллантиришда таълим – тарбиянинг ижтимоий моҳияти фалсафа тарихи, жамият тарихи каби фанлар ўрганилсада унинг қонуниятларини, мазмуни, методлари, воситалари ва шакллари тарихий тараққиётини педагогика тарихи ўрганади.

Таълим - тарбиянинг ижтимоий моҳияти, мақсади инсоний ҳаёти, яшашга тайёрлаш экан унинг мазмуни ҳар бир давр талабидан келиб чиқади. Зеро, педагогик қонуниятлардан бири ҳам таълим – тарбиянинг давр талабига, жамият буюртмасига мослигидир.

Бу борада ислом таълимоти VII – VIII асрларда жамиятдаги маънавий бўшлиқни тўлатишга қаратилгани, қатий таълим – тарбия мазмунида ифодалангани.

Ислом таълимоти фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлган «Қуръони Карим»га илоҳият, диний эътиқод масалалари билан бирга инсонпарварлик, инсонларни қовуштириш, уларнинг ўртасида юзага келган зиддият – низоларнинг олдини олиш, улар орасига адолат ўрнатиш каби ахлоқий таълим – тарбия мазмуни ифодаланган.

Тасаввуф таълимотини омманинг, шахснинг онгига, қалбига асрлар бўйи барқарор таъсири, дунёда буюк шахслар томонидан эътироф этилиши унинг таъсирчан метод ва воситаларидан далолат беради. Ҳар бир тасаввуф алломасининг тариқатида, таълимотида комил инсонни шаклланиши метод ва воситалари изчил ифодалангани.

Тасаввуф жорий этилган маънавий руҳий тажрибалар, энг аввало, диққатни инсонга қаратар, уни ўзининг илоҳий моҳиятини мушоҳада этишга илҳомлантиради. Тасаввуф инсонни оллоҳга тобелигига алоҳида урғу берар экан инсоннинг, инсонга қарам ва муҳтожлиги тушунчаларани тубдан ислоҳ айлашни хуррият, эркинлик тенглик каби ақидаларини тарғиб қилади. Тарихий тажрибалардан келиб чиқадиган таълим-тарбия инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш тамойили “ҳар бир шахсни эркин ривожлашига шарт-шароит яратиш” имкониятини оширади.

Тасаввуфда инсоншунослик ғояси устуворлиги яна илмий ўрганишга молик. “Тасаввуф маслаги инсоннинг бесурат кўзини Рух ва Кўнгил оламига қаратади. Нафсни таниш ва енгиш орқали гўзал ахлоққа эришиш тажрибасини ўргатди. Ва руҳоният тарбияси учун узлуксиз гамҳурлик қилиш усулларини кўрсатди”¹.

1 Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис (Ал-жомеъ ас-саҳиҳ). 1-жилд /Таржимон З.Исмоилов. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – 572 б.

«Ўрта Осиё олимлар қомуси» сўзбошида Ироф Зунунабаров шундай ёзади: «Ўзбекистон — алломалар юрти» деган иборани барчамиз кўп эшитганмиз, кези келганда, ўзимиз ҳам ғурур билан айтаемиз. Зеро, ушбу сўзлар замирида шундай улкан ҳақиқат ва ибратли эътироф ётадики, уларга сазовор бўлиш дунёдаги санокли ўлкаларгагина насиб этган. Лекин тарих гардиши билан ушбу ҳақиқат узок, йиллар давомида хаспўшлаб келинди, унинг умуминсоний аҳамияти атайлаб пастга урилиб, талқин этилди. Истиқдол туфайли нафақат мусулмон оламининг ривожи, балки умуминсоний тараққиётнинг юксалишига беназир ҳисса қўшган аллома аждодларимизни янгидан кашф этилмоқда. Ўзбекистон олимлари билан бир қаторда жаҳон илмий жамоатчилиги ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ана шундай инсонлардан бири — мисрлик истеъдодли олим, дунёга машҳур «ал-Азҳар» университетининг собиқ талабаси, ҳозирда эса, профессори, доктор Абдуллоҳ Абдулҳамид Садирнинг кўп йиллик машаққатли, шу билан биргаликда, мазмун-моҳияти билан эзгуликка йўғрилган илмий изланишлари шулар жумласидандир. Унинг эзгулиги шундаки, қомус мозийда араблар томонидан «Мовароуннаҳр» деб аталган ўлканинг умуминсоний тамаддундаги алоҳида ўрнини янада тиниқлаштиради, бу жаннатмакон юртда етишиб чиққан алломалар жаҳон илму фани тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссанинг ҳақиқий залворини ойдинлаштиради. Масаланинг иккинчи тарафи асарлар шу замин халқининг қалбидаги энг нозик ҳиссиётларни жубушга келтириб, аждодлари билан фахрланиш, уларга муносиб ворис бўлиш, мазкур заминга мансубликдан ғурурланиш туйғуларини уйғотади. Оддий қилиб айтганда, ватанпарварлик дея аталмиш олий инсоний фазилатни мустаҳкамлайди.

Табиийки, турли нисбатлар остида келтирилган олимларнинг сони бир – биридан фарқланади. Масалан, айрим нисбатлар остида биргина олим зикр этилган бўлса, баъзиларида ўнлаб, ҳатто юздан ортиқ олимлар ҳақидаги маълумотлар баён этилган. Мамлакат тарихий тараққиёти давомида муҳим рол ўйнаган ўзига хос илмий ва маданий марказларнинг жугрофияси ва кучи ҳақида ҳам хулоса чиқариш мумкин. Хоразм Маъмун академияси, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва мадрасаи олияси, Бухородаги Мир Араб ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари каби юзлаб илму ирфон марказларининг қандай шаклланганини чуқурроқ билиб олса бўлади.

Шу тариқа, мазкур қомусдан 2700 нафардан зиёд олиму уламолар ҳақидаги қисқача маълумотлар жой олган. Улар VIII – XIX асрларда яшаб, ижод қилган аждодларимиз бўлиб, бундан Ўзбекистон заминида илму фан тараққиёти, маърифат зиёси ҳамиша мунаввар бўлиб келгани, энг оғир дамларда ҳам юртимизда бунёдкорлик тўхтаб қолмагани ҳақидаги мантиқий хулоса келиб чиқади.

Масаланинг яна бир муҳим тарафи борки, уни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Қомусда келтирилган алломалар фақат диний илмлар билан шуғулланибгина қолмасдан, балки уларнинг фаолияти бугун биз дунёвий ва аниқ фанлар деб номлайдиган соҳаларнинг беистисно барча тармоқлари, яъни тариху фалсафадан бошлаб, кимё, тиббиёт ва математикагача, ҳаттоки давлат ва жамият қурилиши масалаларигача бўлган кенг қўламни ўз ичига қамраб олгандир. Улар ижодининг жуда катта қисми ҳанузгача тадқиқ этилмай, номаълум бўлиб қолаётгани назарда тутилса, келгусида қанчадан – қанча кашфиётлар кутаётгани маълум бўлади.

Бу ҳол қомусда қамраб олинган давр, айниқса, ўрта асрларда, умуман Ўрта Осиё ва, хусусан унинг «юраги» Ўзбекистоннинг, жаҳондаги энг нуфузли илмий – маданий марказлардан бири бўлганини кўрсатади. Шу билан баробар, жой олган олимларнинг мутлақ кўпчилиги айнан Ўрта Осиёдан чиққан алломай замонлар, эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Китобдаги кўплаб олимларнинг кенг жамоатчиликка номаълумлиги, ҳатто ўзбек ва рус тилларидаги қомусий нашрларда ҳам учрамаслиги унинг илмий – амалий қимматини янада оширади». Бир сўз билан айтганда, мазкур қомусий нашр Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон – умумжаҳон цивилизацияси эшикларидан бири» деган фикрининг амалдаги яна бир ҳужжати тасдиғидир.

Халқимизнинг маънавий – маданий тарққиётидаги бу қудратли омилни англаган мустамлакачи сиёсатдонлар фан ва динни бир асрга яқин қураштириб келди. Миллий қадриятларимизни зўр бериб йўқотишга барча чораларни кўрдилар. Натижада буюк бобоқалонларимизнинг илмий меросини жаҳон тан олган ҳолда, буни бир томонлама танқидий ўрганилди. Масалан, Алишер Навоийнинг асарларидан ўша давр ижодидаги анъанавий ҳамд боблари олиб ташлаб нашр қилинди. Ваҳоланки, жаҳон алломалари меросидаги илмий ва диний уйғунлик мукамал нашр этиларди. Масалан, жаҳон педагогика фанининг тараққиётига улкан хисса қўшган чех олими Ян Амос Коменскийнинг “Буюк дидактика”¹ асари педагогик қоидалар Аллоҳга ҳамду санолар билан ифодаланган. Унинг ўз миллатининг дин пешвоси бўлди, педагогик асарлари чех халқини миллий ўзлигини англашга йўллади.

Инсоншунослик асосида фан ва диннинг ўзаро ҳамкорлиги барқамол шахсни шакллантириш мазмун ва моҳиятини бойитди, истиқболли йўналишларини белгилаб берди. Илмий тадқиқотларда ёшлар тарбиясида миллий қадриятлар тасаввуф таълимотидан фойдаланиш йўллари, усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Инсон предметида фан унинг ўзаро боғлиқлик қонуниятларини аниқланиши ҳамкорликнинг самарали йўлларини такомиллаштириш имкониятини оширади.

Малумки, динларнинг келиб чиқиши ҳам инсониятни юксалиш сари интилиши, маънавий бўшлиқни тўлдириш заруратидан келиб чиққан. Инсонларни халқларни малум бир гоё йўлида бирлаштириш ўзига хос инсоний қомилликка йўллашдан иборат бўлган. Биз динлар тарихи ҳақида мунозара юритмоқчи эмасмиз. Ислон дини жорий этилиш даврида Арабистонда қиз бола туғилса тириклайин кўмишдек тубанлик ҳолати мавжуд бўлган. Муборак ҳадиси шарифда “жаннат оналар оёғи остида”, “Уч қиз болани тарбиялаб вояга етказган она жаннати бўлади”, ақидаси бу каби иллатлардан қутилиш йўли бўлганини мисол келтириш мумкин.

Инсон моҳияти борасида қомил инсон сийрати, фазилатлари уни шакллантириш омиллари динларнинг ҳам, фанларнинг асосий муаммоси, мунозара

1 Коменский Я. А. Великая дидактика. Изд. Пед. Соч. в 2-х томах. - М.: Педагогика, 1982.-344й.

предмети бўлиб келган. Халқ педагогикаси, мутафаккирларининг комил инсон ҳақидаги гоёлари кишилик жамиятининг ҳар бир даврида, ҳар бир миллатга комил инсон моҳияти, ўзига хос хусусият касб этган. Халқ оғзаки ижодида, дoston, эртақ, ривоят, мақоллар ва бадиий асарлар қаҳрамонлари, идеал образларида комил инсон намунаси ифодаланган.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 – йил 20 - сентябрь жаҳон минбарида ЮНЕСКОнинг 72 – сессиясидаги нутқи.
2. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. «Чўлпон» нашриёти / Тошкент.
3. Ҳадис. Тошкент.
4. А.Чориев, Н.Чориев «Педагогика тарихи методологияси». «Фан» нашриёти / Тошкент – 2010.
5. А.Чориев, И.Чориев «Педагогиканинг фанлараро боғлиқлик методологияси». «Фан» нашриёти / Тошкент – 2011.
6. А.Чориев, И.Чориев «Nishon noshir» нашриёти / Тошкент – 2016.

ВОЯГА ЕТМАГАН ЁШЛАРДА СОГЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ОМИЛИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Сиддиқов Элёржон Бахромович

Фарғона вилояти Фурқат тумани 33-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Мақолада юртимизда амалга ошириляётган ислохатлар ижросини таъминлаш мақсадида жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, жойларда ёшлар ўртасида содир этиляётган нохуш ҳолатларни камайтириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ҳамда соғлом турмуш тарзини ташкил этиш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ёшлар, вояга етмаганлар, жисмоний етуқлик, маънавий баркамоллик, жисмоний тарбия, спорт, соғлом турмуш тарзи.

СОВРЕМЕННЫЕ СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТИВНОГО ФАКТОРА ФОРМИРОВАНИЯ НАВЫКОВ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ У НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Сиддиқов Элёржон Бахромович

учитель общеобразовательной школы № 33 Фуркатского района Ферганской области, независимый исследователь

Аннотация: В статье проанализированы вопросы формирования здорового образа жизни в обществе, обеспечения физической и духовной зрелости молодого поколения, снижения неблагоприятных ситуаций, происходящих на местах среди молодежи,

61	Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари иқтисодий компетентлигини шакллантириш моделини такомиллаштириш Нигматова Г.Н	348
62	Масофавий таълим технологиялари асосида мустақил ишларни ташкил этишга оид дастурий маҳсулотларни яратиш методикаси Пардаева Г .А	355
63	Тасвирий фаолият жараёнида мактабгача ёшдаги болаларни ижодий ривожлантириш технологияси Пўлатов Ф У	361
64	Моделлаштирилган ишлаб чиқариш муҳитида замонавий муҳандисларни тайёрлашни такомиллаштириш Сайдалиев И Н	365
65	Иқтисодий масалаларни ҳал қилишда математик усулларнинг роли Сафарбаева Н.М	371
66	Туризм соҳаси ва таълим тизимининг ўзаро интеграция жараёни Халилов Б.А	375
67	Таълим – тарбия предметида педагогика тарихини тасаввуф билан боғлиқлиги Чориев И А	380
68	Вояга етмаган ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт омилининг замонавий ижтимоий-педагогик жиҳатлари Сиддиқов Э Б	384
69	Математика дарсларини лойиҳалаш методологиясининг баъзи элементларини ўқитишда ваколатларга асосланган ёндашув Кодиров К. Р, Нишонбоев А С, Йигиталиев Й. У	390
70	Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг малакаси ошириш моделини такомиллаштириш тамойиллари Қосимова Ш.Н	395
71	Бадий гимнастикада буюм билан бажариладиган машқларнинг алоҳида хусусиятлари. Холматов Н. У	400